

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

<b>Ю.П. Апаков, А.Х. Жураев</b> Каррали характеристикали бешинчи тартибли бир тенгламанинг чекли соҳадаги ечими ҳақида .....	5
<b>М.Мамажонов, С.М. Мамажонов</b> Бешбурчакли соҳадаги тўртинчи тартибли параболик – гиперболик турдаги тенглама учун битта чегаравий масала ҳақида .....	11
<b>Ж.О.Тахиров</b> Амалий математиканинг баъзи замонавий муаммолари ҳақида .....	19

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

<b>Максудов Р.Х., Джураев А., Шухратов Ш., Холдоров Ш</b> Пахта тозалагичнинг ишчи органлари динамикасини ўрганиш .....	27
<b>О.Қ. Деҳқонова</b> Умумий ўрта таълим мактабларида физика ва математика фанлари узвийлигининг таҳлили .....	33

КИМЁ

<b>О.Эргашев, М.Коххаров, Э.Абдурахмонов</b> СаА (М-22) цеолитида карбонат ангидрид гази адсорбциясининг энергетикаси .....	36
--	----

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

<b>М.Ҳолиқов, Ё.Аҳмедова</b> Фарғона водийсидаги қушларнинг географик тарқалиши ва муҳофазаси .....	41
<b>Х.М. Шодмонов, Н.З. Сотволдиев, И.А.Ақбаров</b> Уй шароитида анордан шарбат ва компот тайёрлаш технологияси .....	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

<b>Ғ.Юлдашев, Г.Сотиболдиева</b> Суғориладиган қолмақалланган оч тусли бўз тупроқлар агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши .....	46
<b>М.Т.Исағалиев, З.Ж.Исомиддинов</b> Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар биогеокимёси .....	51
<b>В.Ю.Исақов, А.Н.Хошимов</b> Сўх конус ёйилмаси тупроқларининг экологик мелиоратив ўзгаришлари .....	57

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

<b>О.Умаров</b> Худудларда иқтисодий мустақамлик заҳирасини яратишнинг самарадорлиги .....	61
---	----

ТАРИХ

<b>З.Й.Эсонов</b> Фарғона водийси ҳунармандларининг пирлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлари .....	63
<b>А.Абдухалимов</b> Мустақиллик йилларида водий вилоятларида оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш муаммолари .....	67
<b>М.М.Темирова</b> Фарғона вилоят радиоси тарихига доир айрим мулоҳазалар .....	70
<b>Ш.Махмудов</b> Қўқон хонлигида хорижий давлатларнинг элчиларини қабул қилиш: анъаналар ва ўзига хослик .....	74
<b>А.Юлдашев</b> Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш тизимининг тадқиқотларида ақс этиши .....	77

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

<b>М.М.Юлдашев, Ш.А.Рахимов</b> Европа мамлакатларида ёшлар сиёсати: амалиёт ва тажриба .....	80
<b>З.Р.Қадирова, А.А.Қамбаров</b> Ижтимоий фикрлар тарихида тафаккур услуби масаласи .....	84
<b>Р.Рўзиева, Н.Эшонқулова, Н.Бобоназарова</b> Илмий билиш бахт-саодатга интилиб, ахлоқий маданияти юксалишида муҳим омил .....	87

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА РАЎБАР ВА БОШҚАРУВ КАДРЛАР  
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРДА АКС ЭТИШИ**

**ОТРАЖЕНИЕ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ РУКОВОДИТЕЛЬСКИХ И УПРАВЛЕНЧЕСКИХ  
КАДРОВ В ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТАХ В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ  
НЕЗАВИСИМОСТИ**

**LEADING MANAGERIAL AND MANAGERIAL PERSONNEL TRAINING SYSTEM IN  
UZBEKISTAN DURING INDEPENDENCE YEARS**

**А.А.Юлдашев**

**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг вужудга келиши, бошқарув анъаналари, шакли ва услублари, давлат бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнлари, касбий маданиятни шакллантириш масалалари ҳамда уларнинг давлат ва жамият тараққиётидаги ўрни тарихий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилиши бўйича яратилган илмий асарлар, тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

**Аннотация**

В статье анализируются научные произведения, исследовательские работы по вопросам формирования государственности на территории Узбекистана, а также традиции, формы и методы управления, процессы подготовки и переподготовки руководящих кадров в системе государственного управления, формирования профессиональной культуры и посвященные их роли в жизни государства и общества, в которых данные вопросы изучены с исторической и политико-правовой точек зрения.

**Annotation**

The article deals with the issues of formation of statehood on the territory of Uzbekistan, management traditions, its forms and methods, the processes of preparation and retraining of managerial personnel in the system of state administration, problems the formation of professional culture, their role in state and society development, scientific novels on historical and political-legal and research works were analyzed.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ҳаракатлар стратегияси, давлатчилик, бошқарув ҳуқуқи, шакл ва услуб, сиёсий институтлар, раҳбар кадрларни тайёрлаш, давлат хизматчиси.

**Ключевые слова и выражения:** Стратегия действий, государственность, законы правления, форма и стиль, политические институты, подготовка руководящих кадров, государственный служащий.

**Keywords and expressions:** Action Strategy, Government, Management Law, Form and Style, Political Institutions, Leading Personnel Training, Civil Servant.

Ўзбекистонда давлатчиликнинг вужудга келиши ва тараққий топишининг энг янги тарихини тадқиқ этиш ва ўқитиш, илмий, илмий-оммабоп, ўқув-методик, маърифий адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш, илм-фаннинг таълим ва бошқа ижтимоий соҳалар билан интеграцияси механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёшларда мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори [1,40] қабул қилинди. Ушбу қарорда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мазмун-моҳиятини, жамиятда барқарорликни, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни сақлаш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишларни ҳамда ҳозирги дунёда Ўзбекистоннинг роли ва ўрнини чуқур ўрганиш ва яққол очиб бериш вазифалари белгилаб берилган.

Тадқиқотчилар томонидан давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари,

истиқболи ва таназзулида ҳукмдор ва раҳбарларнинг тутган ўрни, бошқарувнинг шакл ва усуллари ҳамда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тарихий нуқтаи назардан ўрганиб келинган.

Мамлакатни одилонга бошқариш, ҳукмдорларнинг сиёсий ҳаётда тутган ролини ошириш ҳамда раҳбарларни танлаш ва тарбиялаш, раҳбарлик маҳоратларини ошириш борасида панд-насихат шаклидаги фикр-мулоҳаза ва тавсиялар Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий – Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Амир Темурнинг “Темур тузуқлари”, Алишер Навоийнинг “Хамса”, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқа алломаларимизнинг асарларида учрайди.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг методологик ва назарий асослари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи

Президенти И.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевларнинг асарларида ёритиб берилган.

Давлат бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрларни танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими, уларнинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамияти тарих, сиёсатшунослик, жамиятшунослик, менежмент ва бошқарув ҳуқуқи каби замонавий фан вакиллари томонидан тадқиқ этилган. Уларнинг ҳуқуқий ва методологик асослари яратилиб, амалиётга тадбиқ этилган.

Мустақиллик натижасида ўзбек давлатчилигини ҳаққоний ўрганиш, узоқ ўтмишни холисона ёритиб, тарихий жараёнларга тўғри баҳо бериш имконияти пайдо бўлди.

Кўплаб тадқиқотчилар томонидан қадимдан то бугунги кунга қадар Ўзбекистон ҳудудида давлатларнинг вужудга келиши, истиқболи ва таназзули, бошқарув анъаналари, шакл ва услублари, юқори мансаб эгаларининг раъият билан муносабатлари, пул муомаласи, солиқ сиёсати, ҳарбий қудрати ҳамда халқаро алоқалари тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этилиб, манбалар асосида ёритиб берилган [2].

Хусусан, Э.Ртвеладзе, А.Саидов, Е.Абдуллаевлар асарида давлатчилик тушунчаси ва унинг келиб чиқиши, давлат ва ҳуқуқ институтларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари, юртимиздаги қадимги давлатларда дипломатик муносабатлар ёритилган. Д.Алимова ва Э.Ртвеладзе муҳаррирлигидаги монографияда турли даврларда Ўзбекистон ҳудудидаги давлатларнинг вужудга келиши, юксалиши, таназзулли сабаблари ҳамда давлатчиликнинг ҳуқуқий асослари, бошқарув тизими, чегаралар ва маъмурий бўлиниши, ҳарбий ва дипломатик муносабатлар тадқиқ этилган.

“Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти” номли китобда энг қадимги даврдан то XIX асрнинг ўрталаригача бўлган даврда Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг вужудга келиши, ривожланиши, ижтимоий мансаблар ва бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари ҳамда шаҳарларнинг тузилиши ёритилган.

А.Азизхўжаевнинг илмий изланишларида совет ҳукмронлигининг сўнги йилларида “пахта иши” ва “ўзбеклар иши” каби бўҳтонлар билан кадрларнинг қатағонлар таъсирида қолиши, маҳаллий раҳбар кадрларнинг таъқиб остига олиниши ҳамда марказдан партия ходимлари ниқоби остида махсус топшириқлар билан “десантчилар”нинг юборилиши далиллар асосида таҳлил қилинган.

Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарихий жараёнлар, уларнинг ўзбек миллий давлатчилигида тутган ўрни ҳамда Олий Мажлис Сенатини шакллантиришдаги иштироки Н.Дехкановнинг тадқиқот ишида кўрсатиб

ўтилган. Н.Расулованинг илмий изланишларида Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари билан бирга партияларнинг сиёсий кадрлар тайёрлаш жараёнидаги иштироки ёритиб берилган.

Мамлакатимизда давлат бошқарув тизимини шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, сиёсий институтлар фаолиятининг ташкил этилиши, замонавий бошқарув ва раҳбар кадрларни танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнлари сиёсий-ҳуқуқий фан соҳа вакиллари томонидан кенг тадқиқ этилган [3]. Улар ўз тадқиқот ишларида Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида ҳокимиятларнинг тақсимланиш принципларини, жамиятни демократлаштириш ва давлат хизматини ташкил этиш асосларини, бошқарувда ижтимоий-сиёсий институтларнинг ролини ҳамда раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёнларини ўрганиб, ўз тавсия ва таклифларини ишлаб чиққанлар.

Давлат бошқарув тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлашнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, уларни танлаш ва тайёрлаш усуллари ҳамда соҳанинг модернизациялашиш жараёнларини ўрганиш бўйича Ф.Равшанов, Қ.Қуранбоев, О.Иброҳимов, Х.Аҳмедов ва М.Атамуратовлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларини алоҳида қайд этиш лозим.

Ф.Равшановнинг тадқиқот ишида Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарув кадрларини танлаш ва тайёрлаш тизимларининг тарихий ва замонавий тараққиёти, хорижий тажрибаси таҳлил қилинган. У, раҳбар кадрларни танлаш ва тайёрлаш технологияларининг ривожланиш жараёнларини ўрганиб, раҳбар кадрлар танлашнинг самарадор услуб ва технологияларини амалиётга тавсия этган.

Ўзбекистонда давлат бошқарувида кадрлар тизимининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари тизими фаолиятида кадрларнинг ўрни, уларни тайёрлаш шарт-шароитлари Қ.Қуранбоевнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Сиёсатшунос О.Иброҳимов ўзининг илмий изланишларида мамлакатимизда кадрлар сиёсати ва уни амалга оширишдаги ўзгаришлар, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий қурилишининг ислоҳ қилинишини ўрганган. Шунингдек, давлат ҳокимиятида бошқарувнинг янги тизимига ўтишда кадрлар муаммоси ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнида юксак малакали кадрлар тайёрлашнинг сиёсий жиҳатларини тадқиқ этган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида миллий анъаналар ва жаҳон тажрибаси асосида замонавий раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалалари ва давлат

## ТАРИХ

хизматчисини тайёрлашнинг самарали механизмларини яратиш имкониятлари Х.Аҳмедовнинг тадқиқот ишида ёритиб берилган. У миллий давлатчиликни шакллантиришда давлат хизматини такомиллаштиришга интеграл ва дифференциал ёндашиб, шу орқали ушбу жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳамда бир-бирини тақозо этиш хусусиятларини очиб берган.

Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёнлари бугунги кун нуқтаи назаридан сиёсатшунос М.Атамуратов томонидан ўрганилиб, у раҳбар кадрларга қўйилган янги талаблар ва бошқарув кадрлар фаолиятининг самарадорлигига эришиш мезонларини таҳлил қилади. Бошқарув кадрлар тизимидаги сиёсий ва ғоявий ўзгаришлар ҳамда концептуал қарашларни, кадрлар танлаш тизимининг замонавий технологияларини жорий этилишини ўрганган ҳолда шахсий жавобгарлик нуқтаи назаридан бошқарув кадрлар фаолиятини танқидий таҳлил этган.

Замон ривожланиб, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онги, қонунларга риоя этиш маданияти ошиб боргани сари, уларга мос замонавий раҳбар кадрларни тайёрлаш талаби ортади. Шу сабабли, салоҳиятли ва малакали раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини давр талабига мувофиқ ислоҳ этиш доимо муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда 2017-2021 йилларда

## Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3105-сонли Қарори. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2017 йил 26-сон, 583-модда*
2. Қаранг: Ртвеладзе Э., Саидов А., Абдуллаев Е. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т.: Адолат, 2001; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари / Масъул муҳаррирлар Д.Алимова, Э.Ртвеладзе. – Т.: Шарқ, 2001; Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: Академия, 2000; Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Т.: Ўзбекистон, 2011; Дехканов Н. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг тарихий тажрибаси (1995-2005 йй.) Т.ф.н. ил. дар....дис. – Т., 2011; Расулова Н. Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши: муаммо ва ечимлари (1991-2008 йиллар). Т.ф.н. ил. дар....дис. – Т.: ТДПУ, 2010; Воҳидов Ш., Хошимова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX-XX аср бошлари). – Т.: Янги аср авлоди, 2006; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. – Т.: Шарқ, 2000; Б.Эшов. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: Янги аср авлоди, 2012; Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Т.: Шарқ, 1999.
3. Қаранг: Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Т.: Шарқ, 1998; Раҳбар ва ходим (тўплам). – Т.: Академия, 1998; Одилқориев Х. Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ва ҳокимиятлар тақсимланиши принциплари. – Т., 1993; Раҳмонов А. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви. – Т., 2006.; Раҳимова Д., Абулқосимов Ҳ., Абдурақмонов О. Бошқарув тизими ва раҳбар. – Т.: ТДТУ, 2004; Хусанов О. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимият органлари. – Т.: Университет, 1994.; Холбеков А., Бошқарув социологияси (ўқув кўлланма). – Т.: Академия, 2007; Муллажонов М. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда ижтимоий-сиёсий институтларнинг роли. Сиё.ф.н.....дис. – Т.: ТДИУ, 2005; Машарипов И. Маънавий омилларнинг раҳбар кадрлар касбий маданиятини шакллантиришдаги ўрни. Сиё.ф.н.....дис. – Т.: ДЖҚА, 2009; Бойдадаев М. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши ва бошқарув тизимининг шаклланиши ҳамда такомиллашувининг ҳуқуқий асослари. Юр.ф.д.....дис. – Т.: ДЖҚА, 2001; Равшанов Ф. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. Сиё.ф.д.....дис. – Т.: 2009; Қуранбоев Қ. Давлат бошқарув кадрлари тизими: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари (Сиёсий-ижтимоий жиҳатлари). Сиё.ф.д.....дис. – Т.: 2008; Иброҳимов О. Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатининг янги тизимини шаклланиши ва амалга ошириш муаммолари. Сиё.ф.н.....дис. – Т., 1997; Аҳмедов Х. Ислом Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-сиёсий масалалари. Сиё.ф.н.....дис. – Т., 2008; Атамуратов М. Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни. Сиё.ф. бўй. фал. доктори (PhD) .....дис. автореф. – Т., 2018.
4. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясида бошқарув кадрларни тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5139-сон Фармони. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2017 йил, 32-сон, 795-модда*